

САМАРАЛИ ИЖРО ТИЗИМИ ҲАЁТБАХШ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ХАЛҚЧИЛ КУЧИНИ ОШИРМОҚДА



Ижро тизимидаги кўп йиллик тажрибамдан биламанки, қонун ҳужжатлари ижроси жараёнида салгина сусткашлик, кечикиш бўлса, бу ҳолат ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, албатта, из қолдиради. Бунда ижро жараёнидаги изчилликка путур етибгина қолмай, аҳолида ҳақли равишда норозилик кайфияти ҳам туғилади.

Раҳбарларнинг иш услуби ва кун тартиби ўзгарди

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан мамлакатимизда ижро жараёни сифат ва мазмун жиҳатидан тубдан ўзгарди десак, айна ҳақиқат бўлади.

Мазкур ҳужжатлар натижасида ижро тизими такомиллашиб, барча раҳбарларнинг иш услуби, кун тартиби ҳам ўзгарди. Қуйи тизим раҳбарлари хонасида хат-ҳужжатга кўмилиб ўтиравермай, ўз иш фаолияти билан шуғулланиши учун кўпроқ вақт ва имкониятга эга бўлди.

Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда



Вилоят бўйлаб

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ туманидаги "ТСТ Agro Cluster" кластерида пахта майдонларига биринчи агротехник ишлов бериш (культивация) ва озиклантириш ишларини бажариш бўйича семинар ўтказилди. Унда масъуллар томонидан агротехник тадбирларни амалга оширишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, махсус культиватор ускуналарини ўрнатиш ва ишлов бериш бўйича зарур тавсиялар берилди.

ОҚҚҮРҒОН тумани ҳокими Т. Боболов маҳаллаларда бўлиб, "Маҳалла еттилиги" фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берди. Шунингдек, аҳоли муаммолари тингланб, ечими бўйича масъулларга топшириқлар юкланди ҳамда маҳаллаларни ободонлаштириш, томорқалардан самарали фойдаланиш бўйича тарғибот олиб борилди.

ТОШКЕНТ тумани ахборот-кутубхона марказида "Янги Ўзбекистон – китобхонлар юрти" шиори остида "Китобхонлик ҳафталиги"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Абдулла Қодирий таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан ёзувчининг ҳаёти ва ижодига доир давра суҳбати ҳамда қизқарлиқ ўйинлар ташкиллаштирилди.

ЯНГИЙҮЛ туманида "Nurafshon silko" МЧЖ томонидан 2 минг 200 қути пиллани тарқатиш бошланди. Ипак уруғлари Хитой-Япон қўшма корхонаси томонидан келтирилган. Ўтган йили туманда 109 тоннадан кўпроқ пилла олишга эришилган бўлса, бу йил 130 тонна ҳўл пилла тайёрлаш режалаштирилган.

26 апрель – Ўзбекистон халқ шоири
Муҳаммад Юсуф туғилган кун



АЧЧИҚ ТОҒОЛМАНИНГ ширин ифори

Чинакам шоирларнинг тақдирини, қувонч ва андуҳларини шеърларидан ахтарган афзал. Чунки улар шунчаки қозғ қораламайдилар. Ҳар бир асарига тарих, хотира, лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, қувончу ташвишлари, армонлари гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона бўй кўрсатиб туради. Демакки, ҳар бир асарнинг ёзилиш сабаблари, асослари бўлади. Шу боис ҳам, улар ўқувчисининг кўнглидан тезда жой топади. Сатрлар мунчоқдай тизилади.

4

Сана

Она Ернинг олтин қондалари

Маълумотларга кўра, йил бошидан шу кунга қадар вилоятимизда белгиланмаган жойга чиқинди ташлаш бўйича 735 та қонунбузарлик аниқланган бўлиб, 635 та ҳолатда қурилиш ва маиший чиқиндиларни ёққан фуқароларга маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Маълумки, 2009 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 63 сессиясида "22 апрель – Халқаро Ер куни" эътиб белгиланган. Президентимизнинг "Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра мамлакатимизда ҳам "Халқаро Ер куни" нишонланади.

Сана муносабати билан вилоят Экология бошқармаси томонидан Пискент туманидаги 1-сонли касб-хунар мактабида "Earth Day" тадбири ўтказилди. Унда вилоят Экология бошқармаси Сув, ер ресурслари ва ер ости бойлиқларини муҳофаза қилиш шўъбаси мутахассислари иштирок этишди.

– Тадбирда ўқувчиларга инглис

тилида атроф-муҳитни, табиий ресурсларни асраб-авайлаш ва сайёрамизга ғамхўрлик қилиш муҳимлиги таъкидланди, – дейди касб-хунар мактабининг хорижий фан ўқитувчиси Маъмура Файзиева. – Бугунги кунда иқлим ўзгариши, ифлосланиш ва ҳайвонот турларининг камайиб бориши каби экологик муаммоларни ҳал қилишда эътиборли бўлишимиз шарт.

Тадбирнинг иккинчи босқичида "Еримизни чиқиндилардан асрайлик!" шиори остида тозалик акцияси ташкил этилди. Унда касб-хунар мактаби худуди чиқиндилардан тозаланди.

Нигора УРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

EXPORT

ЭКСПОРТИ

БОРНИНГ ЭРТАСИ БОР

Юқори Чирчиқ туманида саноат зоналарини ташкил этиш, йирик қурилиш объектлари фаолияти ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар билан танишиш мақсадида ОАВ ходимлари учун пресстур ташкил этилди.



3

Туман сўнги йилларда иқтисодиётнинг ўсиш суръати бўйича вилоятдаги илғор худудлардан бири сифатида тилга олинмоқда. Худудда ўтган йили умумий қиймати 1,02 триллион сўмлик 32 та корхона ишга туширилган. Натижада, 1,8 мингга яқин янги иш ўринлари яратилган.

Журналистларнинг дастлабки манзили қарийб 600 гектар майдонда қурилаётган фотоэлектр станцияси бўлди. Мазкур лойиҳа давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига кўра Саудия Арабистонининг "ACWA Power Company" ширкати томонидан амалга оширилмоқда. Унга 677 миллион АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилган. Бунда 400 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ҳамда 334 МВт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимини қуриш режалаштирилган.



САМАРАЛИ ИЖРО ТИЗИМИ ҲАЁТБАХШ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ХАЛҚЧИЛ КУЧИНИ ОШИРМОҚДА

Қашқадарё вилояти ҳоқими лавозимида ишлаб юрган кезларимда электрон имзо орқали ҳужжатларни кўриб чиқиш тартибини юртимизда биринчилардан бўлиб жорий қилган эдик. Бу жуда тез ижобий самара берди: энг аввало, вақтимиз тежалди, қоғозбозлик кескин камайди.

Энди бир кунда бир маротаба "почта" деб номланган тартиб орқали кирадиган ҳужжатлар оқими электрон ва тезкор тартибга айланди. Макон ва замон аҳамиятини йўқотди: йўлда, иш оралигида, ҳудудлар бўйлаб юрилганда, имкон бўлди дегунча планшетни очиб, янги хат-ҳужжатлар билан танишиб, электрон имзолаш мумкин бўлди.

Бир сўз билан айтганда, давлат аппаратининг горизонтал ва вертикал ҳужжат айланиши тизими яхлит, кенг қамровли, марказлашган тузилмага айланди. Бунда раҳбарлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари (КРП) га рейтинг урнатилгани ва ижро интизомига алоҳида ургу берилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШ ТАРТИБИ ИШНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ШАРТ

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган фармон ва қарори ижро тизимини ташкил этиш жараёнидаги турли "қўлбола" стандарт ва талабларга батамом барҳам бергани билан алоҳида қийматга эга эканини таъкидлашни истардим.

Масалан, Тошкент вилояти ҳоқимлигида электрон ҳужжат айланиши тизими – Kollektiv.uz ишлатиб келинган. Параллел равишда Kbat, Bimoid синга иловадан фойдаланилган. Функциялари ўхшаш ва турлича меъёрлар асосида ишловчи бу дастурлар ҳам ўз вақтида электрон ҳужжат айланишини йўлга қўйишда муайян роль ўйнаган бўлиши мумкин. Бироқ юқори туруви ташкилотлар, вазирлик ва идоралар билан ҳужжат алмашишда муаммолар юзга келар эди.

Яна бир жиҳати шунда эдики, бу дастурлар тadbиркорлар томонидан тажриба чикилган, очикроқ айтганда, ҳар бир раҳбарнинг кўнглига қараб, унинг иш тартибига мос электрон назорат усули, яъни "қўлбола", локал стандартлар жорий қилинган. Бу эса оддий ижрочиларга қўшимча қийинчиликлар туғдирган, бевосита хат-ҳужжатлар билан ишлайдиган бўлинма маҳаллий ва республика миқёсидаги турли-туман электрон тизимларга номувофиқликдан азият чеккан. Битта ҳужжатнинг бажарилгани ҳақидаги ҳисоботни иккита дастурга юклаш учун ҳодим ўртача 5-7 дақиқа вақт сарфлаган. Ҳоқимият бўлинмаларида катта ҳажмдаги ҳужжат айланишини назарда тутсақ, аслида ишни енгиллаштириши лозим бўлган электрон тизим ортиқча вақт ва куч сарфига сабаб бўлганини англаш қийин эмас.

Пировардида барча бугунлардаги ижро органларида ягона стандарт йўқлиги топшириқ ва ҳисоботларнинг юқори савияда ва ўз вақтида бажарилишига имкон бермас эди. Шу маънода ягона электрон ҳужжат айланиш тизимига ниҳоятда катта эҳтиёж зарур эди.

Уша пайтада "Давлат хизматчиси ишлашдан кўра ишлаганини исботлашга кўпроқ вақт сарфламоқда" деган ҳазилмуз ибора ҳам пайдо бўлган эди. Шубҳасиз, "lrg.gov.uz" дастури давлат хизматчисининг фойдали иш қозғалди. Ишмиизга умумийлик бағишлади. Образли айтганда, барча давлат ташкилотлари ўзаро "соатларини тўғрилаб" олди.

Тошкент вилоятида ҳафтанинг душанба ва жума кунлари топшириқлар ижро ҳолати таркибий бўлинма раҳбарлари ва масъул ходимлар иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади. Утган йил вилоят миқёсида ўтказилган 80 дан ортиқ муҳокамада тизимнинг (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

афзаллиги яққол сезилди, меҳнат унумдорлиги салмоқли даражада ошди. Йил давомида ижро жараёнида сунташликка йўл қўйган 43 мутасаддига институтий жазо қўлланилди.

ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ҲАЁТБАХШ КУНИ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 10 сентябрдаги "Деҳқон ҳўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида вилоятда қатор ишлар қилинмоқда. Аввало, вилоятдаги барча маҳаллаларнинг ихтисослашуви, иқлим шароити ва аҳоли кўникмаларидан келиб чиқиб, асосий йўналишлар бўйича ўсиш нуқталари белгилаб олинган.

Хусусан, 1 минг 25 та маҳалланинг 274 таси чорвачилик, 187 таси деҳқончилик, 171 таси хизмат кўрсатиш, 83 таси иссиқхоначилик, 80 таси озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат савдоси, 35 таси тикувчилик, 35 таси узумчилик, 29 таси боғдорчилик, 27 таси паррандчилик, 13 таси кўчатчилик, 9 таси новвойлик, 9 таси кичик ишлаб чиқариш, 8 таси ҳўнармандлик, 6 таси асаларчилик, 6 таси бақиччилик, 5 таси қандолатчилик, 3 таси кўнчилик ва 45 таси бошқа йўналишларга ихтисослашган.

Юқоридаги қарорга асосан, вилоятда 2022-2023 йилларда 16 минг 546 гектар ер деҳқон ҳўжаликлари учун ажратилди.

Шу пайтгача пахта, ғалла, сабзавот экиб келинган унумдор ерларнинг аҳолига берилишини тарихий воқеа дейиш мумкин. Сабаби, биз пахта учун қўшимча ер топсақ, катта иш қилингандек мактанганмиз. Айнан шу тadbир орқали 47 минг аҳоли расман банд бўлди, утган йилнинг ўзида қўшимча 570 минг тонна мева-сабзавот етиштирилди. Бу бошланиши, албатта.

Жорий йилда эса 6 минг гектар ерни ишсиз ёшларга ажратиб ҳамда уларни тажрибали фермерлар, экспортёрларга кооперация асосида бириктиришни бошлаганмиз. Талабдор ёшлар рўйхати "маҳалла еттилиги" кўмагида шакллантирилди. Айни кунда 18 минг ёш ер олишга тайёр.

Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрдаги "Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан тadbиркорлик кўникмаларига эга ва фаолиятини кенгайтиришга имконияти бор ташаббускорларга

қўшимча имтиёзлар яратилди. Улардан фойдаланиш учун бугунги кунда вилоятда 6 минг 278 ташаббускор платформа орқали ариза берган, шундан, 1 минг 775 нафари ижобий ҳулоса олди, яна 58 ташаббускорга 5,3 миллиард сўм кредит ажратилди.

Жорий йилда "Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш" дастури доирасида вилоятда тadbиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 33 минг ташаббускорга 900 миллиард сўм имтиёзли кредит берилиши кутилмоқда. Натижада биргина хизмат кўрсатиш соҳасида қарийб 23 мингта иш ўрни пайдо бўлади. "20 минг тadbиркор – 500 минг малакали мутахассис" дастури доирасида шу кунга қадар 836 та тadbиркорлик субъекти жалб этилиб, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 50 минг 372 та янги иш ўрни яратилишига зарур шарт-ша-

роит пайдо бўлди.

Умуман, бу йил вилоятда ишсизлик даражасини 5,5 фоизга, камбағаллик даражасини эса 8,5 фоизга тушириш режалаштирилган.

Иш ўринлари кафолатли бўлиши ва иш ҳақи тўланиши ҳолати солиқ базасида кўринишни белгиланган ҳолда ҳар бир ҳоким ўринбосари – комплекс раҳбари чорак ва ойларга бўлинган аниқ режа асосида ишлайди.

"ЯШИЛ МАКОН"ДАН "САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ"ГАЧА

Минг афсуски, бугун сувдан, тупроқдан нотўғри фойдаланиш, экологик жиҳатдан зарарли технологияларни қўллаш оқибатида сайёрамаида иқлим ўзгариб, биохилма-хиллик йўқолиб бораётди.

Президентимиз БМТ минбаридан инсоният ҳаётига таҳдид солаётган учта инқироз – иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланишини бартараф этишга доир муҳим ташаббусларни илгари сурганди. 2023 йил 11 октябрда ва жорий йил 29 март кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур масала бўйича қатор муҳим тақлифлар билдирилиб, устувор вазифалар белгилаб берилган.

Тошкент вилояти ноёб биохилма-хиллик, флора ва фаунага эга, тупроғи унумдор ҳудуд. Шунингдек, Ўзбекистоннинг энг сервус, унумдор ерлари ҳам шу ерда жойлашган. Бўстонлик, Ангрэн, Охангарон тоғларининг оқ қорли чўққиларидан бошланган сервус сой ва дарёлар, турнақўз булоқлар, Чорбоғ, Охангарон, Туябўғиздек йирик сув омборлари вилоятимизни йил бўйи яшилликка бурқаб, барчамизга мусаффо обихаёт ва бетақорр табият неъматларини инъом этиб келади.

Бугун Паркент, Бўстонлик, Қибрай, Янгийўл, Зангиота, Пискент каби ҳудудларимизнинг жаннатоманд боғу тазорларига етиштирилган узуму гилослар, ноку олма, анжир, шафтолилар ўзига хос брендга айланиб, нафақат юртимиз, балки хориж бозорларини ҳам тўлдиряпти.

Доно халқимизда "Яхшидан боғ қолади" деган гап бор. "Яшил макон" дастури доирасида дарахт экиш режамиз – 16,2 мил-

банк тизими – иқтисодий комплекси. Тан олиш керак, бу соҳани "уйғотиш"нинг ўзи бўлмапти. Лекин топшириқ аниқ, кутилдиган натижа аниқ, фақат "темир интизом" билан мақсад сари қатъий интилишимиз шарт.

Асрлар давомида шаклланган кадрларимиз боис, томорқадан "дур" ундираётган аҳолимиз кўп, лекин ишга солинмаган имкониятларимиз ундан-да кўпроқ десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Масалан, Бўка туманининг Чўлобод маҳалласидаги 623 та хонадондан 176 тасида иссиқхона қурилган. Уларда 450 фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, йилига 3 маротаба ҳосил олмақда. Мазкур маҳалладан ички бозорга йилига 350 тонна ҳар хил қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Мана шундай саъй-ҳаракатлари билан бу ҳудуд ишсизликдан холи маҳаллага айланмоқда.

ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Бугун маҳаллаларда меҳнат қилаётган ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари туман, вилоят миқёсидаги раҳбарлик лавозимларига етилиб келаётган янги авлод кадрлар захирасидир, дейиш мумкин. Ёш, серғайрат йигит-қизларнинг меҳнат фаолиятини кузатиб,

Шу ўринда Чиноз туманидаги "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, яқинда "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланган Сарварбек Мирзаевни ҳам алоҳида эста олишни истардим. У аҳоли томоқсидида барпо этилган ихчам иссиқхоналар ва плёнка остида маҳсулотлар етиштириш орқали маҳаллада ишсизликни камайитириш борасида катта натижаларга эришган. Масалан, атиги 35 сотих томорқадан йилига қарийб 100 минг АҚШ доллар даромад топаётган Нуриддин Холиқов оиласи кўпчиликка урناк бўлмоқда.

Худди шунингдек, Бекобод туманининг "Маллабой" маҳалла фуқаролар йиғинидаги иссиқхоналар булғор қалампир ва бақлажон, Янгийўл тумани Ниёзбоши ҳудудидаги 9 та маҳалланинг 4 минг 183 та хонадонни кўчат етиштиришга, Чиноз туманидаги маҳаллалар кўчатчилик йўналишига ихтисослаштирилиб, уларга 26 та экспортёр ва 4 та сабзавотчилик кластери бириктирилди.

ЭЗГУ ВА ХОЛИС НИЯТЛАР БИЛАН БОШЛАНГАН ҲАР ҚАНДАЙ ИШ, АЛБАТТА, ХАЙРЛИ БУЛАДИ

Халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиш, юрдошларимизнинг оғирини енгил қилиш, энг чекка ҳудудлардаги хонадонларга ҳам муносиб яшаш шароитларини олиб кириш бугуннинг энг асосий вазифаларидан. Бунни чўқур маънавий илдиш, бой тарих ва маданиятга эга қўлимиллатли вилоятимиз аҳоли теран тушуниб, қўллаб-қувватлаётгани бизга катта далда беради ва куч-қувват бағишлайди.

Барча ютуқ ва натижаларимизни умумлаштириб, вилоятимиз аҳоли билан елкама-елка меҳнат қилиб, ўтган 2023 йилни муносиб ютуқлар, залварли марралар билан якунладик, дейишга етарли асосларимиз бўлса-да, ҳали ишга солинмаган захиралар кўлами нақадар катталиги барчамизни ўта масъулиятли бўлишга ва замонавий ёндашувлар билан янада кўпроқ ишлашга ундайди.

Йиллар давомида йиғилиб қолган турли ихтимомий-иқтисодий муаммолар барҳам топиб, аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган қўллаб-қувватлаш рўйи сари дастлабки қадамлар ташланди.

Вилоятимизнинг барча тармоқлари, хусусан, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш каби йўналишларнинг танқидий таҳлили фойдаланилмаган имкониятларимизни қўплигини ва барча тоифадаги раҳбарлар фидойилик билан тун кун ишлаши лозимлигини кўрсатади.

Шу ўринда 6-7 йил олдинги ҳолатимизни эслаб ўтишни жоиз топдим.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимларида 3 нафар ўринбосар бўлиб, бутун ҳокимликда 2 та хизмат машинаси бор эди, ҳокимнинг машинасига кунига 8-12 литр бензин берилар эди, холос, иш ҳақини эса гапириб ҳам ўтирмаймиз.

Бугун 7 тагача ўринбосар бор, барчасига хизмат машиналари ажратилган, энг асосийси, хизмат уйлари қурилди, иш ҳақи масаласи ечим топди. Бир сўз билан айтганда, барча бугундаги раҳбарларнинг орқага қарамасдан ишлайдиган вақти келди.

"Оққан дарё оқаверади" дейди доно халқимиз. Бугун буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд дейишга асосларимиз бор. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан қай даражада оқилона фойдалана олишимизга боғлиқ.

Эзгу ва холис ниятлар билан бошланган ҳар қандай иш, албатта, хайрли бўлади, дейдилар. Олдимизга қандай марра ва вазифалар қўйган бўлсак, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни режалаштираётган бўлсак, уларнинг барча-барчаси ягона ва улўғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимизни рози, ҳамюртларимизнинг оғирини енгил қилишдир.

Зойир МИРЗАЕВ, Тошкент вилояти ҳоқими

("Янги Ўзбекистон" газетаси,
2024 йил, 23 апрел)



лион туп, шундан баҳор мавсумида 10,1 миллион, куз мавсумида эса 6,1 миллион туп кўчат экишимиз лозим. Бунда биз барча корхона, ташкилот ва муассаса вакилларига мурожаат қилиб, эколог олимлар ва мутахассислар тавсияларига амал қилган ҳолда иш бошлаганмиз.

Жорий йил 14 март кўни Президентимиз Сирдарё вилоятига ташрифи доирасида "Сайхунобод тажрибаси"ни илгари суриб, томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали аҳоли даромадини ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берганди. Мазкур топшириқ ижросини тўғри ва самарали ташкил этиб, ишлашга иштиёқи бор, даромади кам, бир оз қўллаб-қувватланса, эллаб кета оладиган эҳтиёжманд хонадонларни ташлаб, уларни ердан фойдаланишга ўргатиш йўлга қўйилди.

Ҳозирда вилоятимиздаги 680 минг 146 та хонадонга тегишли 29 минг 976 гектар томорқа ер бор. Бугун томорқани сўрайдиган, унинг даромад манбаига айланишига хизмат қиладиган тизим жорий этилди, бу

ютуқлари натижасини халқимиз ҳис қилаётганини кўриш завқли.

"Маҳалла еттилиги"га малакали, тажрибали йигит-қизлар саралаб олингани уларнинг келажоғига катта умид боғлашимизга асос бўлади. Бу тизим орқали пастки бугундаги аҳолининг барча қатлами қамраб олинди, уларга ўз салоҳиятини кўрсатиши учун етарли ваколатлар берилди.

Шу ўринда айрим мисолларга тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Бекобод шаҳридаги "Фарҳод" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Одижон Ҳотамов маҳаллада тadbиркорлик учун 7 та имтиёзли кредит ажратилиши, 9 та янги иш ўрни очилиши, 21 киши доимий ишга жойлашиши, 76 фуқаро ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашди.

"Яшил макон" дастури доирасида маҳаллага 320 туп мевали, 410 туп манзарали ва 225 туп гул кўчати эктирди. Рамазон ойида кам таъминланган 24 хонадонга эҳсон тарқатилиб, 7 та оилада ифторлик ўтказилишига бош-қош бўлди.

— Хозирда 30 гектар майдонда қурилиш ишлари бошлаб юборилган, — дейди вилоят инвестициялар, sanoat va savdo бошқармасининг Юқори Чирчиқ туманига бириктирилган вакили Шерзод Турсунбоев. — Бугунга қадар компания тасарруфидаги "ACWA POWER RIVERSIDE SOLAR" масъулияти чекланган жамияти томонидан 30 миллион долларга яқин асбоб ускуналар келтирилган. Мазкур лойиҳани 2026 йилнинг декабрь ойига қадар якунлаш режалаштирилган. Унинг ишга тушиши ҳисобига Тошкент шаҳрида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга эришилади. Шунингдек, 50 та иш ўрни яратилади.

Навбатдаги манзил ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Azia Tashkent Textile" масъулияти чекланган жамияти бўлди. Мазкур лойиҳа 3 босқич — пахта толасидан ип-калава йиғириш комплекси, бўяш, мато тўқиш ва тайёр текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бўлган цехлардан иборат бўлиб, умумий қиймати 74 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳозирги кунда уларнинг 2 босқичи фаолият юритмоқда. Сунги босқични жорий йилнинг якунига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Корхона йилга 24 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Йиллик экспорт салоҳияти эса 70 миллион долларни ташкил этади.

— Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини ўзимизда чуқур қайта ишлаб, текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш

борасида қабул қилган қатор қарор ва фармонлари тадбиркорларга янги имкониятлар эшигини очди, — дейди корхона раҳбари Санжар Ёқубжонов. — 2016 йилгача

Systems" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишишди.

2012 йилда ташкил этилган корхонада электротехника ускуналари ва жиҳозлар

ЭКСПОРТИ БОРНИНГ ЭРТАСИ БОР



пахтамик асосан хомашё сифатида, арзон нархларда экспорт қилинган бўлса, эндиликда пахтадан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хорижга сотилмоқда. Туркия ва Татаристон давлатлари билан ҳамкорликда очилган корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 100 фоиз экспортга йўналтирилади. Бизнес режими тўлиқ қувватда ишга тушган экспорт салоҳияти йилга 150 миллион АҚШ долларига етади.

уучун бутловчи, эҳтиёт қисмлар, кабеллар, металл конструкциялар ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кун талаблари кўра, корхонада барча жараён инновацион технологиялар асосида ташкил этилган.

Шунингдек, журналистлар тумандаги мис хомашёсини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган "Yuqorichirchiq Energy

— Маҳсулотларимиз сифати жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради, — дейди корхона бош директори Умид Исломи. — Асосий хомашё — мис ва алюминнинг си-

фатлисидан фойдаланамиз. Мис Олмалик кон-металлургия комбинатидан, алюмин эса Россиядан келтирилади. Ишлаб чиқаришда Туркиянинг илғор технологияларидан фойдаланамиз. Жараённи назорат қилиш учун ҳам турк мутахассислари жалб қилинган. Корхона йилга 12 минг тонна мисни қайта ишлаш қувватига эга. Охириги уч йилда корхонага 10 миллион АҚШ долларидан ортик инвестиция киритилди. Шунингдек, қўшимча замонавий ускуналар келтирилиб, янги турдаги кабель сим ўтказгич маҳсулотлари ўзлаштирилди.

Йиллар давомида тўпланган тажриба ва ишдаги унум натижасида экспорт режаси 120-125 фоизга бажарилмоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми Туркия, Беларусь, Россия, Қозғоғистон, Чехия, Косова каби Европа давлатларига экспорт қилинаётир.

Сўнги манзил 24-сонли Болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан "Гулистон" маданият саройида ташкил этилган "Каштаччилик" кўргазмаси бўлди. Тўғрак раҳбари Паризода Холмухамедова моҳир чеварлардан бири. Эътиборлиси, ундан нафақат ўқувчилар, балки тумандаги 50 га яқин ишсиз хотин-қизлар ҳам сабоқ олиб, касаначилик асосида мўмайгина даромад топтомоқда.

Халқимизнинг қадриятлари ва урф-одатлари билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган ушбу санъат тури кўли гул чеварлар томонидан асрлар оша янада сайқалланиб боришига тилақдошмиз.

Сухрбжон САДИРОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ОКМК 16:0 ҳисобида ғалаба қозонди

Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг 2-турига старт берилди.



Мазкур турда Олмаликнинг ОКМК жамоаси ўз майдонида "Орол Академия"га қарши баҳс олиб борди. Учрашувда Миржалол Қосимов академия тарбияланувчиларига қарши асосий таркибни майдонга тушириб, ёш жамоа устидан 16:0 ҳисобида ғалаба қозонди. "Қоңчилар" таркибида мавсум бошида келиб қўшилган Азиз Холмуродов уч бор, Али Абдурахмонов эса тўрт бор рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди.

Олмаликликлар навбатдаги турда "Бухоро" клубига қарши майдонга чиқади. Мазкур учрашув Олмалик шаҳридаги "Марказий" ўйингоҳда бўлиб ўтади.

Футзалчиларимиз — чорак финалда!

Айни кунларда Таиланд футбол бўйича катталар уртасидаги Осиё чемпионатига мезбонлик қилмоқда. Унда қитъанинг энг кучли 16 жамоаси турнир ғолиблиги ҳамда жорий йилда юртимиз мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионати йўланмаси учун баҳс олиб бормоқда. Аҳамиятлиси, ғолиблик учун давварлар қаторида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам бор.



Вакилларимиз гуруҳ босқичини 100 фоизлик натижа билан якунлашга муваффақ бўлди. 3-турда Саудия Арабистони терма жамоасига қарши беллашган ҳамюртларимиз рақибларнинг дастлабки дақиқаларда киритган ягона тўпига 3 гол билан жавоб қайтаришди. Голларга Машраб Одилов, Абдор Аҳметзянов ҳамда дарвозабонимиз Аббос Элмуродов муаллифлик қилди.

Энди жамоа чорак финалда Ўзбекистон футболчиларига қарши баҳс олиб боради. Мазкур қарам-қаршилиқ 24 апрель кунини ўтказилиши режалаштирилган.

Тарихий натижа ва 37 йўлланма

Халқаро гимнастика федерацияси спорт гимнастикаси бўйича "Париж-2024" ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма олган атлетлар жадвалини янгилади. Қувонарлиси, унга кўра делегациямиз ҳисоби-га яна бир лицензия қўшилди.



2023 йил Бельгиянинг Антверпен шаҳрида ўтган жаҳон чемпиони кўпкўраш дастурида муваффақият-ли иштирок этган Ҳабибулло Эргашевга бўла-жак Олимпиа-да иштирокчи-лари қаторига қўшилди. Саралаш мусобақалари яку-нида франциялик атлет ҳам квалифи-кациядан ўтгани боис, мезбонлар учун ажратилган квота ҳисоб чемпионати орқали йўлланма ололмаган спортчилар орасида энг яхши натижа кўрсатиб турган Ҳабибулло Эргашевга насиб этди.

Шу тариқа, йигитларимиз мазкур йўналишда илк бор Олимпия ўйинларига икки-та йўлланмани кўлга киритишди. Терма жамоамизнинг Парижда ўтадиган нуфузли турнирга олган йўлланмалари сони 37 тага етди.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Сухрбжон САДИРОВ тайёрлади.

Бандлик ИМКОНИЯТ КЕНГ, ИШ ЎРНИ КўП

Мутахассислар маълумотиға кўра, Тошкент вилоя-тида ишсизлик даражаси охириги икки йилда сезилар-ли камайган. Жорий йил якунига қадар бу борадаги ишларни янада яхшилаш режалаштирилган.

Биринчи галда соҳалар кесим-ида аҳоли даромад келтирилади-дан меҳнат билан банд қилинади. Хусусан, вилоятда 432,1 минг нафар норасмий банд шахс, 90,5 минг нафар расмий ишсиз, 30 минг нафар 11-синф битирувчиси, 168,2 минг нафар меҳнат мигран-ти, 314,8 минг нафар иқтисодий нофаол аҳоли бор. Уларни на-фақат туман ва шаҳарлар бўйича,

балки маҳаллаларнинг ихтисосла-шув драйверлари, мавжуд захира ва имкониятларидан келиб чиқиб, бандлигини таъминлаш чоралари кўрилкоқда.

— Худудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш орқали жами 44 та йирик лойи-ха ишга туширилади, — дейди Тошкент вилояти Камбагалликни қисқартириш ва бандлик бош бош-

қармаси бошлиғи Зиёдбек Йўл-дошев. — Натижада, 23 минг 620 нафар аҳоли бандлиги таъминла-нади. Мисол учун, Ангрэн шаҳри-да "Istikbol Hongji" МЧЖ корхонаси томонидан хорижий ҳамкорлар билан биргаликда 128 миллиард сўмлик цемент ишлаб чиқариш-ни ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган. Бу орқа-ли 300 та юқори даромадли иш ўрни ташкил этилади.

Бундан ташқари, Паркент, Бўка ва Қибрай туманларида тўқимачи-лик, тикув-трикотаж саноатида қўшимча имкониятлар мавжудли-

ги инобатта олинчи, янги иш ўрин-лари ташкил этилади. Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бошқа туманларда эса кластер, фермер, деҳқон хўжалик-лари кўмаги билан 172 минг 638 нафар аҳоли бандлиги таъмин-ланади. Биргина Янгийўл тумани-даги "Innovation Commercial" МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 135 миллиард сўмлик қишлоқ хўжали-ғида фойдаланиладиган минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали 200 та янги иш ўрни яратилади.

Хусусан, бугунги кунда туризм

соҳаси вилоятнинг асосий драй-вер йўналиши ҳисобланади. Шуни эътиборга олган ҳолда, сайёҳлар қатнови кўп бўлаётган жойларда меҳмонхоналар ташкил этилади ҳамда мавжудлари кенгайтирилади. Жумладан, Бўстонлиқ тумани-да бу йил "New York Invest Group" МЧЖ томонидан 32 миллиард сўмлик замонавий экотуризмни ривожлантириш лойиҳаси асоси-да 75 та янги иш ўрни яратилади.

Мухими, ушбу лойиҳаларга биноан яратилган янги иш ўрин-лариға ишсиз фуқароларни жалб қилишни маҳалладаги ҳоким ёр-дамчилари амалга ошириб, "иш берувчи ва ишсиз" уртасида кўп-рик вазифасини бажаради.

Абдулазиз МУСАЕВ

Ёднома

МЕН ҲАМ ШОИРЛИККА ҚИЛАРДИМ ДАВВО...

Абдурахмон АК-БАР. Шеър ихлос-мандлари, айниқса, болакайлар бу ном-ни яхши билиша-ди. Чунки унинг ўзи ҳам, ёзган асарлари ҳам болалар кўнгли янглиг тоза ва сами-мий эди. Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим, Обид Расул, Пўлат Мўмин, Султон Жаббор, Рауф Толиб, Ҳамза Имонбердиев, Темур Убайдулло каби ўзбек болалар адабиёти ривожига салмоқ-ли ҳисса қўшган ижодкорлардан бири эди. 1962 йилнинг 22 апрелида Янгийўл тумани-нинг Ниёзбош қишлоғида туғилган дўстимиз умрининг сўнги кунлари — 2015 йилнинг ав-густига "Чўлпон" нашриётида ишлади.

Абдурахмон билан 1979 йили адабиёт фани-дан ўтказилган вилоят олимпиадасида танишган эдик. Шундан кейин, Тошкент Давлат университети журналистика факультетиға ҳам бирга ўқишга кирдик. Кечки бўлимда ўқиганимиз учун кундузи каноф фаб-рикада ишлаб, битта ётоқхонада яшаганимиз.

Яқинда уйда китоб титиб ўтирсам, улар орасидан Абдурахмоннинг бундан 45 йил аввал менга ёзган хатлари ва уч курсдош — мен, Абдурахмон ва Ақром Бердимуродовнинг (Ақром кейинчалик "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири ҳам бўлган) "14 комиссар" хайкали олдига тушган суратимиз чиқиб қолди. Ай-ниқса, мактублар ичидаги иккита тўртлик мени ўйлан-тириб қўйди.

ХАРАКТЕРИСТИКА
Яшаши кураш деб билар у доим,
Кўплар билан шун-чун баҳслар этар.
Чалиб йикитсалар, курашар минг бор,
Беғараз енесалар тан бериб кетар...

ШОИРЛИК
Дерларки, шоирлик — расмини чизмоқ
Инсонлар армонин, ўй, орзу, дардин.
Мен ҳам шоирликка қилардим даъво,
Кашф эта олопсам, юрагим зарбин!

10. 08. 81 й.
Булар унинг 21 ёшида ёзган сатрлари. Абдурах-мон орақ зарбини ҳис эта олган шоир эди. Узи ёзган-дек, бюрокликни даъво қилишға ҳам ҳаққи бор эди. Аммо умри қисқа экан. "Инсонлар армонин, ўй, орзу, дардин" қўйлаб ўтган болақўнги шоиримизнинг охи-рати обод бўлсин.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ

Буни ҳаёт дейдилар...

Бу сафар ҳам ўқишга кеч қолиб, так-си қутиб тургандим. Бундан ўн, ўн беш йил илгари ишлаб чиқарилган "Нек-сия" тўхтади. Йўл ҳақини савдолаш-май, манзилни тушунирганча маши-нага ўтирдим. Кейин аҳамият берсам, ҳайдовчи аёл киши. Ҳайрон бўлдим. Тўғри, ҳозир аёл киши машина ҳай-дашдан ҳеч ким ажабланмайдди. Лекин аёл ҳайдовчи билан биринчи мартаба манзилга отланишим.

Киракаш опа йўлга отланиб хушму-омалалик билан:
— Қалайсиз, укам? Дарсга кеч қоляп-сизми? — деб гап бошлади.
— Ҳа, бугун нимагадир "сабабсиз" кеч қолдим.
Шунда опа ғамхўрлик билан:
— Хавотир олмаган, бир зумда элтиб

ли жуда меҳнаткаш бўлган ва бизни доим масъулиятли бўлишга ундаб кел-ган. Мусобақаға кетишимдан бир кун олдин ҳамма ишларни бажарардим. Моллар емини тайёрлаб, қўйларға ўт ва товукларға дон ташлаб кетардим. Қолаверса, ўқитувчиликка ҳам меҳрим бўлган. Шукурки, орзуим ушалиб, во-лейбол бўйича мураббийлик ҳам қил-дим.

Турмуш ўртоғи билан худди шу мураббийлик қилиб юрган кезлари танишган. Тақдир инсон пешонасига кимни жуфт қилиб берса ва кўнгли кимга тегишли бўлса, ўшаники, албатта. Туркия-ға келин бўлиб тушган Ўғилой опа 13 йилдирики, шу севгиси бил-лан қувониб яшайди.

"ЖАСОРАТ ТУГМАСИ"

қўяман, — деб йўлида давом этди. Сухбатдошимнинг хушмуомалали-гидан илҳомланиб, унинг ҳаётини ўр-ганиши ва нега айнан киракашлик қи-лаётганини билгим келди.

Ўғилой Рўзиева — ёши 41 да, Янгийўл туманида туғилган. Касби — киракаш. Сухбатимиз узоқ давом этди. Унинг гаплари-дан соддадил, самимий ва очикқўнғил аёл экани билиниб турарди.

— Болалигим завқли хотираларға бой бўлган. Кенжатой фарзанд бў-лганим учун ҳалигача онамнинг оёқ-ларига бош қўйиб, ерқаланиб юраман. Тўрт опам буни қўриб, онамни мендан қизганишни бошлашди. Онам мен-га отамдан мерос қолган. Ҳар гал 80 ёшли онамнинг кўзларига қараганимда ўзимда куч ҳис қиламан, дуоси йўл-ларимни очик қилади. Спортчи бўлишни орзу қилганман. Республика чемпи-онатларида ҳам иштирок этганман. Аммо отамдан рухсат олиш мушкул вазифадек эди. Чунки отам раҳмат-



— Ўшанда ёш, чиройли ва ўзига ишонган қиз эдим. Турмуш ўртоғим шартнома асосида Тошкентга ишға келган ва бу ерда мени қўриб, се-виб қолганлар. Ишқ қиссамиз шу ер-дан бошланган. Ҳар йили қайнона ва қайнотамни қўриб келишим учун Тур-киядан чипта жўнатадилар ва ўзлари тез-тез пойтхатға келиб турадилар.

Киракашлик қилишимға сабаб, хўжайинимнинг мени таъминламаёт-ганлари эмас, аксинча, мен улардан пул сўрашға хижолат бўламан, лекин ўзи эпларкан деб қараб ҳам турмай-дилар.

Машаққатсиз ишининг ўзи йўқ. Об-ҳавонинг иссиқ-совуғига қара-май, машина ҳайдаш кишини то-ликтиради. Уйининг юмушлари ҳам аёлнинг бўйида.

— Ҳайдовчилик туфайли аёллик вазифаларимни ҳам унутиб қўйганим йўқ. Ҳаволар исигани учун сахар уйго-ниб, тушликкача ва ундан сўнг шомға-ча яна ишлашда давом этаман. Бу орада уй ишларини бажаришға вақт

ажратаман. Сергели туманидан олган бир хонали уйимда онам иккимиз гўзал ҳаёт кечиряпмиз.

Ҳар қандай гўзал ҳаёт ортида армон ҳам бўлади. Ўғилой опа отасини соғиниб эслаганда армондан юрагидан орзу бўлиб қол-ган мақсадни эслайди.

— Доим онамни хурсанд қилишға ҳаракат қиламан. Кўнглимға қарай-ман, истаган жойларига олиб бораман. Отам ҳаётлиғида бугунгидек имконим бўлмаган, армоним ҳам шу. Отамни машинада истаган жойларида айлан-тириб келолмаганим ушалмас орзу бў-либ қолди.

Ўғилой опанинг киракашлик фаолияти энг муҳтожлик пайти-дан бошланган. Тақдирға тавак-кал қилиб, сунги чақасини шу ишни бошлашға сарфлаган.

— Мураббий сифатида ишлаб юр-ган кезларим жуда кам маош олар-дим. Ойдан ойға зўрга етказардим. Бир кун шароитсизликдан кун бўйи нон емасдан, қўлимдаги 20 минг сўм пулни кейинги ойликкача етказишни уйлардим. Уйланиб турдим-да, Худоға таваккал, дея шу пулга ёқилги олдим. Бошида таксичилик қилишда ноқулай-лик сездим, лекин, қарсам, ўша кун кечгача 100 минг сўм пул топибман. Хурсандлигимдан уйимға бозорлик қилдим-да, онамнинг олдиларига югур-дим. Шу тариқа, ҳайдовчилик фаолия-тимни йўлга қўйдим.

Ҳалол меҳнатнинг айби йўқ дей-дилар. Атрофимдаги гап-сўзлар-ға парво қилмайман. "Аёл кишиға ярашмайди, аёлнинг ўрни фақат ошхонада" дейдиганлар хато ўйла-шади. Бундай эмас! Бу каби фикр-ларға умуман қўшилмайман. Ахир, бизни бировдан камимиз йўқ. Ми-жозларимға чиройли муомалада бўламан ва шунга яраша улар ҳам яхши муносабат қилишади. Ўзимға ишонаман ва ўзимни кучли аёл деб ҳисоблайман.

Ҳар қандай оғир ва муаммоли вазиятда "жасорат тугмасини" ёқиб қўйиш керак. Ҳаётда оёққа туролма-ётган аёлларға ҳам шуни маслаҳат берадим, жасорат ва матонат бил-лан: "Мен кучлиман, мен бошқалар қатори яхши яашшға лойиқман!" деб ўз-ўзига ишлашға иштиёқ бериши за-рур. Зеро, ҳар қандай майдаликларға эътибор қаратиш — бир қадам ортга чекинишдир.

ЎТКУРИЙ

